



Болалар, дунёдаги энг улуг китоб кайси китоб?

## - КУРЬОНИ КАРИМ!

Тўппа-тўгри! Бу жавобни ким айтган бўлса хам унга катта рахмат! Бу дунёда Куръонга тенг келадиган мукаммал китоб йўк. Чунки Куръон Аллохнинг сўзи. Бу оламда Аллохга тенг келадиган хеч ким йўк-ку. Демак, Унинг китобига тенг келадиган китоб хам бўлмайди. Куръонни Аллоҳ Таоло етти кават осмоннинг устидан Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва салламга туширган. Бу китобни энг улуг фаришта Жаброил алайхиссалом олиб келганлар. Аллоҳ Куръонда ер юзида яшайдиган хамма инсонларга насихат килади.

Куръон – Аллохнинг мўъжизаси. Хеч ким бу китобга ўхшаган китоб ёза олмайди. Куръон одамлар ёзган китобларга ўхшамайди.

Куръонда нималарни айтилган? Куръонда кадимда ўтган пайгамбарлар ва уларнинг кавмлари хакида кизикарли хикоялар бор. Иброҳим пайгамбар ёш бола бўла туриб кандай килиб бутларни синдириганлар? У киши оловдан кандай килиб сог чикканлар? Нима учун Мусо пайгамбарни чакалоклик вактларида сандикчага солиб, дарёга оқизиб юборишган? Фиръавн, деган кофир подшо нима учун ёш болаларни сўйдирган? Кейин Аллоҳ унинг ўзини кандай килиб дарёга чўқтириб ўлдирган? Аллоҳ мўминларни кофирларнинг зулмидан кандай куткарган? Хайвонлар, кушлар хам ибодат килишадими? Улар кандай гапиришади? Ўликлар кандай килиб тирилади? Куръонда мана шулар хакида ажойиб суралар бор.

Куръон **ОЯТ** ва **СУРА**лардан ташкил топган. Бир ёки бир неча сўздан тузилган жумлани **оят**, деб аталади. Бир неча ояtlар кўшилиб, **сура**



бўлади. Куръонда 114 та сура бор. 6 мингдан кўп оят бор.

Одамлар Аллохга кандай ибодат килишлари керак? Дунёда кандай яшашлари лозим? Ота-онага кандай яхшилик килинади? Кўшнилар, кариндошлар ва бошка одамлар билан кандай муомала килинади? Мусулмон подшохлар халкка кандай йўл кўрсатиши керак? Давлатни кандай бошкариш лозим? Мусулмонларга душман бўлаётганларга нима жавоб килиш керак? Буларнинг хаммасига Куръонда жавоб бор. Ха, Куръон жуда кўп илмларни, маъноларни ўз ичига олади. Уни ким кўп ўқиса, ўшанча кўп илмли бўлади. Мусулмонлар Куръонни ўкиб ундаги коидаларга амал килишади. Шунда улар бу дунёда хеч адашмайдилар. Аллоҳ: «**Бу Куръон энг тўгри йўлга бошлайди**» - деган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «**Сизларнинг яхшилиягиниз Куръон ўрганган ва уни ўргатган кишилардир**», - деб айтганлар.

Куръонга иймон келтирган инсонларга Аллоҳ бу дунёда баҳтли хаёт беради. Охиратда уларни жаннатга киритади. Куръонга ишонмаган, амал килмаган одамларга бу дунёда хам, Охиратда хам азоб бўлади.

Куръон тиловат килинганда осмондан савоб ва нур ёгилади. Куръон ўқилган уйда фаришталар бўлади. Куръон касалларга шифодир. У калбларга хурсандлик олиб киради. Куръонни чиройли ўқиган болаларни Аллоҳ хам, фаришталар хам суйиб эшлиб туришади.

9 – коида. Куръон – Аллохнинг мукаддас сўзи. Унда Аллоҳ дунёдаги хамма одамларга хитоб килган. Куръонда хамма нарсага жавоб бор. Куръон  
Киёмат куни келгунича ўқилади ва амал килинади.

**Саволлар**

1. Куръон каердан келган, у кандай китоб?
2. Куръонда нималар бор, уни нима учун ўкилади?